


## IV. ҚИШЛОҚ, ҰРМОН ВА БАЛИҚ ХҲЖАЛИГИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизмат)ларининг умумий ҳажми 59 327,1 млрд. сўми ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 101,3 % ни, шу жумладан деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар – 58 998,1 млрд. сўми (101,3 %), ўрмон хўжалигида – 100,5 млрд. сўми (103,6 %), балиқ хўжалигида – 238,5 млрд. сўми (130,1 %) ташкил қилди.

### Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)нинг ҳажми



Хусусан юқори ўсиш суръатлари Наманган (105,8 %), Фарғона (104,5 %) ва Бухоро (104,0 %) вилоятларида кузатилди. Қашқадарё (97,9 %), Самарқанд (97,5 %) вилоятларида эса аксинча паст суръатлар кузатилди.

## Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар) умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши



Республиканинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)ининг умумий ҳажмида Тошкент вилоятининг улуши 13,6 % ни ташкил этди ва ҳудудлар бўйича етакчилик қилмоқда, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари мос равишда 13,0 % ва 10,0% кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади. Энг кам улуш Қорақалпоғистон Республикаси (3,4%), Сирдарё (3,9%) ва Навоий (5,0 %) вилоятларида қайд этилди.

### Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари


2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг ўсиши 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 101,3% ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари – 97,5 % ни, чорвачилик маҳсулотлари – 107,0 % ни ташкил қилди.

## Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши



Хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 70,9 % и – дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 26,9 % и – фермер хўжаликларига, 2,2 % и – қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатди.

## Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича ҳудудлар кесимида тақсимланиши



Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти улушининг хўжаликлар тоифалари бўйича ҳудудлар кесимида тақсимланиши таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар барча ҳудудларда деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келиши кузатилди.

Энг юқори кўрсаткичлар Навоий (83,9%), Сурхондарё (77,9%), шунингдек Бухоро ҳамда Хоразм (75,1%) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида фермер хўжалиklarининг барча тоифадаги хўжаликларга нисбатан улуши ҳудудлар бўйича таҳлил қилинганда, энг юқори кўрсаткичлар Самарқанд (38,0%), Қашқадарё (31,4%) ва Андижон (28,6%) вилоятлари ҳиссасига тўғри келишини кўрсатди.

### Деҳқончилик

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 33 340,1 млрд. сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 97,5 % ни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 57,3 % ни ташкил қилди.


#### 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида хўжаликлар тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

	Барча тоифадаги хўжаликлар		шу жумладан:					
			фермер хўжаликлари		деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташиқлотлар	
	минг т	ўсиш суръати %	минг т	ўсиш суръати %	минг т	ўсиш суръати %	минг т	ўсиш суръати %

Дон экинлари	6 124,1	90,8	4 975,5	92,2	1 032,0	81,9	116,6	128,6
Картошка	2 410,7	102,9	358,3	83,1	2 043,9	107,7	8,5	58,0
Сабзавотлар	8 661,4	102,9	2 109,0	94,9	6 473,0	105,5	79,4	125,7
Полиз	1 607,2	103,0	683,5	98,7	903,5	106,5	20,2	101,9
Мевалар ва резаворлар	2 090,0	101,4	761,2	93,1	1 280,5	105,6	48,3	157,3
Узум	1 313,6	103,9	590,5	101,9	705,4	105,2	17,7	124,2

**Ҳосилни йиғиб олиш.** 2018 йил январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда дон экинлари 6 124,1 минг т (90,8 %), картошка 2 410,7 минг т (102,9 %), сабзавотлар 8 661,4 минг т (102,9 %), полиз 1 607,2 минг т (103,0 %), мевалар ва резаворлар 2 090,0 минг т (101,4 %), узум 1 313,6 минг т (103,9 %) ишлаб чиқарилган.


**Асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хўжаликлар тоифаларининг улуши**




Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари деҳқончилик маҳсулотларининг аксарият турларини асосий ишлаб чиқарувчилари ҳисобланади. Ҳисобот даврида картошка умумий ҳажмининг 84,8 %и, сабзавотларнинг 74,7 %и, озикбоп полиз маҳсулотларининг 56,2 %и, мева ва резаворларнинг 61,3 %и, узумнинг 53,7 % улар томонидан ишлаб чиқарилди. Дон экинларининг асосий қисми фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилди, ишлаб чиқарилган жами дон экинларининг 81,2 %и улар ҳиссасига тўғри келади.

**2018 йил январь-сентябрь ойларида ҳудудлар кесимида асосий турдаги дехқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

**Дон экинлари (минг т)**



**Картошка (минг т)**



**Сабзавотлар (минг т)**



**Полиз (минг т)**





### Чорвачилик

Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чоратадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 24 840,6 млрд.сўмни ёки 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 107,0 %ни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 42,7 %ни ташкил этди.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан тирик вазнда 1 788,8 минг т гўшт (2017 йилнинг январь-сентябрига нисбатан 6,8 %га кўп), 7 830,1 минг т сут (6,9 %га кўп), 5 368,2 млн.дона тухум (9,2 %га кўп), 30,2 минг т жун (1,8 % кўп) ишлаб чиқарилди.

**2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида хўжаликлар тоифалари бўйича асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**


	Барча тоифадаги хўжаликлар		шу жумладан:					
			фермер хўжаликлари		деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташилотлар	
	Миқ-дори	ўсиш суръати, %	Миқ-дори	ўсиш суръати, %	миқ-дори	ўсиш суръати, %	миқ-дори	ўсиш суръати, %
Гўшт тирик вазнда, минг т	1788,8	106,8	53,6	129,9	1679,9	105,6	55,3	129,6
Сут, минг т	7830,1	106,9	284,8	117,3	7486,2	106,5	59,1	107,6
Тухум, млн. дона	5368,2	109,2	553,7	117,1	3172,6	105,7	1641,9	113,8
Жун, т	30,2	101,8	2,3	121,2	26,4	101,9	1,5	81,2
Кўракўл, млн. дона	1001,4	100,1	72,4	126,8	826,2	100,5	102,8	84,5
Пилла минг т	17,7	142,2	14,1	123,7	-	-	3,6	3,4 м.

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилинганда, тирик вазндаги гўшт умумий ҳажмининг 93,9 % ни деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, шунингдек сутнинг 95,6 %, тухумнинг 59,1 %, жуннинг 87,5 %, қоракўл терининг 82,5 % деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келишини қайд қилиш зарур.




**Худудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик  
ва балиқчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

**Гўшт (минг т)**



**Сут (минг т)**




**Тухум (млн. дона)**



**Пилла (т)**



**Асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини  
ишлаб чиқаришда хўжаликлар тоифаларининг улуши**




**2018 йилнинг 1 октябр ҳолатига хўжаликлар тоифалари бўйича  
чорва моллари ва паррандалар бош сони**

	Барча тоифадаги хўжаликлар		шу жумладан:					
			фермер хўжаликлари		деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари		қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	
	минг бош	ўсиш суръати, %	минг бош	ўсиш суръати, %	минг бош	ўсиш суръати, %	минг бош	ўсиш суръати, %
Йирик шохли қорамоллар	12 408,8	102,5	620,0	106,1	11 621,8	102,0	167,0	121,9
шу жумладан сизирлар	4 462,3	102,1	199,9	100,2	4 221,9	102,2	40,5	104,0
Кўй ва эчкилар	21 087,8	103,7	2 166,2	127,7	17 728,7	102,6	1 192,9	88,0
Паррандалар	75 683,3	109,7	9 653,4	120,9	46 045,3	102,9	19 984,6	122,7

2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига йирик шохли қорамолларнинг умумий бош сони 12 408,8 минг бошга, шу жумладан сигирлар – 4 462,3 минг бошга, қўй ва эчкилар – 21 087,8 минг бошга, паррандалар – 75 683,3 минг бошга етди.

2017 йилнинг мос даври билан солиштирилганда барча тоифадаги хўжаликларда йирик шохли қорамоллар бош сони – 297,3 минг бошга (2,5 % га), шу жумладан сигирлар – 91,5 минг бошга (2,1 % га), қўй ва эчкилар – 756,9 минг бошга (3,7 % га), паррандалар – 6 674,5 минг бошга (9,7 % га) кўпайди.

### Чорва моллари ва паррандалар бош сонидан хўжаликлар тоифаларининг улуши



- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига йирик шохли қорамоллар бош сони тўғрисидаги маълумотларни хўжаликлар тоифалари бўйича таҳлил қилар эканмиз, йирик шохли қорамолларнинг 5,0 % и фермер хўжаликлари ҳиссасига, 93,7 % и дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 1,3 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини қайд этиб ўтиш лозим, шунга мос равишда қўй ва эчкиларнинг умумий сонидан 10,3 % и фермер хўжаликларига, 84,1 % и дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 5,6 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади, шунингдек паррандалар умумий сонидан 12,8 % и фермер хўжаликларига, 60,8 % и дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига, 26,4 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келади.

**2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига ҳудудлар кесимида чорва  
моллари ва паррандалар бош сони**

**Йирик шохли қорамоллар (минг бош)**



**шу жумладан сигирлар (минг бош)**



**Қўй ва эчкилар (минг бош)**



**Паррандалар (минг бош)**

